SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI · ХДП

• 2016-yil, 23-aprel. Shanba • 48 (32.107) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Президент Владимир Путиннинг таклифига биноан 2016 йил 25-26 апрель кунлари расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлади.**

Ташриф давомида давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигининг долзарб масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон билан Россиянинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

## Депутатлик сўрови институти

### парламент назоратини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади

**Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди Шавкат НАЗАРОВ билан суҳбат**

***— Юртимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда. Айниқса, мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим стратегик масалаларини ҳал қилишда парламентнинг ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Айтингчи, бугунги кунда парламент назоратининг қайси шакллари кўпроқ самара беради?***

— Бугун ривожланган демократик давлатлар тажрибасидан кўриш мумкинки, демократик ислоҳотларнинг сифати, самараси кўп жиҳатдан миллий парламентнинг иштироки даражасига боғлиқ.

Президентимизнинг 2010 йил 27 январдаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида парламент назорати ҳақида сўз юритилган. Унга кўра, парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир.

*Давоми 3-бетда.*

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР




Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

## САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

### барчамиздан янада фаолликни талаб этади

*ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгашининг пленумида партия ташкилотлари ҳамда гуруҳларининг ўтган йилги фаолияти таҳлил этилди, жорий йилга мўлжалланган энг муҳим вазифалар белгилаб олинди.*

Пленумда кун тартибидаги масалалар юзасидан бўлган мунозараларда партия гуруҳларининг аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурлар ижроси устидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу йўналишдаги ишларда партиянинг барча тузилмалари фаол қатнашиши зарурлиги алоҳида қайд этилди. Бандлик дастурида кўзда тутилган иш ўринларининг вақтида очилиши, белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг эшитувларини ташкил этиш, бу борада ташаббусларни мунтазам илгари суриш лозимлиги таъкидланди.

**ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов** партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари томонидан 2015 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда Марказий Кенгаш пленуми қарори асосида жорий йилда бажариладиган асосий вазифаларга тўхталди:

— Электоратни ўйлантираётган муаммоларни қанчалик яхши билсак, уларни ҳал этиш учун курашсак, партиямизнинг дастурий мақсадлари албатта амалга ошади. 2015 йилдаги фаолиятимиз натижаларига тўхталадиган бўлсак, депутатларимиз ташаббуси билан 11 масала партия гуруҳларида, 10 масала доимий комиссияларда кўриб чиқилди. Сессиялар кун тартибига эса 5 масала киритилди.

Аммо бу етарли эмас, албатта. Партия ташкилотлари ишини талаб даражасида ташкил этиш, Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни кўнгилдагидек бажаришда улардан янада фаол ва ташаббускор бўлиш талаб қилинади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз аъзолари депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланиши, жойлардаги ижтимоий масалалар юзасидан доимий комиссия ҳамда сессияларда ижро ҳокимияти вакилларининг ҳисоботларини эшитиш бўйича таклифлар киритиб бориши зарур.

Пленумда, шунингдек, Ўзбекистон ХДП Ховос туман кенгаши раиси, Марказий Кенгаш аъзоси Назира Маҳкамова, Янгиер шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Муқаддас Ўринбоева маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, бошланғич ташкилотлар ишида таъсирчанликни ошириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шулар асосида навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

## Ёшлар давраси

**Пойтахтимиздаги Яшнобод қурилиш касб-ҳунар коллежида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий Кенгаши вакиллари, Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари, «Ёш сиёсатчилар клуби» аъзолари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини кучайтириш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топишига доир чора-тадбирлар кўламини кенгайтиришда дастуриламал бўлмоқда.



— Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, қизларни спортга жалб этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Умурбек Бектемиров.** — Партиямиз томонидан ташкил этилаётган «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш», «Ёшларга оид қонунчилик — ёшлар нигоҳида» каби лойиҳаларда бугунги кунда ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятларнинг аҳамияти тушунтирилмоқда.

Тадбирда жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни зарарли одатлар таъсиридан асраш, истеъдод ва салоҳиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Н.НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Электорат манфаатлари ҳимояси

### партия ташкилотлари, депутатлар фаолиятининг асосини ташкил этади

Пленумда вилоят партия ташкилоти ва гуруҳларининг партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини янада такомиллаштириш, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросида партия ташкилотларининг амалий иштирокини кучайтириш ва бошқа долзарб масалалар кўриб чиқилди.

2



БУГУН ОНА ЮРТДА...

Қорақалпоғистон

### «ЁШЛАР МАРКАЗИ» фойдаланишга топширилди

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» ва «Ўзбекистон — муқаддас Ватан» шиори остида ўтган ёшлар фестивали доирасида Нукус шаҳрида «Ёшлар маркази» фойдаланишга топширилди. Бу ҳақда kruz.uz сайти хабар бермоқда.*

Ушбу масканда ахборот технологиялари, хорижий тиллар, шоҳмот, рақс тўгараклари, ёш тадбиркорлар маслаҳатхонаси, саломатлик ва экология лойиҳалари ҳамда иқтидорли ёшлар маркази фаолият олиб бормоқда.

Иншоотнинг қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 4 миллиард 400 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Марказнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 154 миллион сўм, замонавий мебеллар учун 192 миллион, зарур адабиётлар ва электрон китоблар учун 400 миллион сўм маблағ ажратилди.

«Ёшлар маркази»нинг очилишига бағишланган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Муса Ерниязов иштирок этди.

Самарқанд

### 550 НАФАР ТАЛАБА ишга жойлашиш учун йўлланма олди

*Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида битирувчиларни тақсимлаш ва ишга жойлаштириш мақсадида «Битирувчи — 2016» меҳнат ярмаркаси ўтказилди.*

«Зарафшон» газетаси сайтида маълумот берилишича, унда элликка яқин корхона, ташкилот ва таълим муассасалари вакиллари бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

— Институтни газ таъминоти мутахассислиги бўйича битиряпман, — дейди Жасур Бердиев. — Ярмаркада «Мароқанд газ лойиҳа сервис» масъулияти чекланган жамиятида лойиҳачи мутахассис вазифасида ишлаш таклифи менга маъқул тушди.

Тадбирда институтнинг бакалавр ва магистрларидан 550 нафари танлаган йўналишлари бўйича ишга йўлланма олди.

Қашқадарё

### ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИ масаласига бағишланди

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида «Ишлаб чиқариш корхоналарининг энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлиги муаммоларини ечишда инновацион технологияларнинг аҳамияти» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

«Қашқадарё» газетаси сайтида ёзилишича, анжуманда мамлакатимиз саноат соҳасида янги технологияларни амалга татбиқ қилишда энергия сарфини камайтириш, энергия самарадорлигини ошириш ва экологик муаммоларни бартараф этишга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Тадбирда сўзга чиққан олимлар ишлаб чиқариш корхоналарида ресурсларни тежашга оид муаммолар ечимини топиш, уларни илмий жиҳатдан асослаш, иқтисодиёт тармоқларида энергия самарадорлигини оширишга қаратилган илмий ишланмаларини тақдим этишди. Шунингдек, озиқ-овқат, кимё саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологияларини такомиллаштиришга доир тавсия ва таклифлар баён этилди.

ЎзХДП ХОРАЗМ ВИЛОЯТ, ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДА

ХИВА ТУМАН КЕНГАШИ ТОМОНИДАН «КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ» МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИРДА МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА «НАВРЎЗ» МАҲАЛЛАСИ ФАОЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

«МЕН ВАТАНИМ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШИШНИ ИСТАЙМАН» ШИОРИ ОСТИДАГИ «ЁШ СИЁСАТЧИ — 2016» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ГУРЛАН ТУМАН БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ХОНҚА ТУМАН САРАПОЁН ҚИШЛОҒИДА СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚИЗЛАРНИ ТУРМУШГА ТАЙЁРЛАШ МАВЗУСИДА МУЛОҚОТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

## ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

■ Партиямиздан сайланган ҳар бир депутат доимий комиссияларда аввало электорат манфаати билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими бўйича ташаббус кўрсатиши керак.

# Электорат манфаатлари ҳимояси

## партия ташкилотлари, депутатлар фаолиятининг асосини ташкил этади

***Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгашининг пленумига иштирокчиларнинг аксарияти ўз таклифлари билан келганди. Буни пленум давомида сўз сўраганлар кўп бўлганидан ҳам билиш мумкин эди. Қатнашчилар берган ҳар бир фикр, таклиф партия ташкилотлари ва депутатлар олдида турган муҳим вазифаларни белгилашга асос бўлди.***



Пленумда вилоят партия ташкилоти ва гуруҳларининг партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини янада такомиллаштириш, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросида партия ташкилотларининг амалий иштирокини кучайтириш ва бошқа долзарб масалалар кўриб чиқилди.

— Электорат манфаатларини ҳимоялаш самарадорлигини ошириш учун ижро ҳокимияти идоралари фаолиятидан яқиндан хабардор бўлишимиз керак, — деди **вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Саида Жўраева.** — Кўпгина масалаларни ҳал этиш турли дастурларга киритилади-ю, айрим идоралар, уларнинг раҳбарлари масъулиятсизлиги сабабли баъзи лойиҳалар амалга ошмай қолади. Бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик учун албатта ҳудудларни ривожлантириш дастурлари ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз зарур.

Бу борада партия гуруҳлари аъзолари орқали маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар ташаббускорлигини оширишга эътибор қаратишимиз лозим, деб ўйлайман. Чунки доимий комиссиялар ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган масалалар ечими бўйича амалий таклифларни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Сессия муҳокамасига ҳам тегишли масала доимий комиссия орқали киритилади. Шу боис партиямиздан сайланган ҳар бир депутат доимий комиссияларда аввало электорат манфаати билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими бўйича ташаббус кўрсатиши керак бўлади.

ЎзХДП вилоят кенгаши раҳбарининг таъкидлашича, ўтган йили халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан жойларда учраётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида **150 га яқин депутатлик сўрови** юборилган. Шунингдек, партия дастурий мақсадлари амалга ошишига хизмат қиладиган 13 масала партия гуруҳларида, 7 масала эса сессия муҳокамасига киритилди. Бундан ташқари, Жамоатчилик қабулхоналарига мингга яқин мурожаат тушган. Уларнинг 72 фоизи ижобий ҳал этилган. Қолганларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Вилоят партия ташкилоти етакчиси бу натижалар хотиржамликка берилишга асос бўлолмаслиги, электорат манфаатлари билан боғлиқ масалаларда янада фаоллик кўрсатиш лозимлигини таъкидлаб, галдаги вазифаларга тўхталди.

Шунингдек, сўзга чиққанлар электорат вакиллари орасида ижтимоий-сиёсий, мафкуравий йўналишларда олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Партиянинг тарғибот-ташвиқот йўналишидаги фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. ЎзХДП электоратининг узоқ муддатли ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Қайд этилдики, эндиликда ҳар бир партия ташкилоти дастурий мақсадларга мос тарзда амалий фаолият юритиши, хусусан, ижтимоий ҳимоя ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож кишиларнинг манфаатларини таъминлаш бўйича аниқ натижаларга эришиши лозим.

— Электорат билан ишлаш, ижтимоий-сиёсий тадбирлар самарадорлигини оширишда бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш алоҳида ўрин тутади. Лекин бу борада қилиниши керак бўлган ишлар талайгина, — деди **Бухоро шаҳридаги ҳудудий партия ташкилоти етакчиси Бахтиёр Мардонов**. — Масалан, бошланғич ташкилотлар етакчиларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини, малакасини оширишга қаратилган ўқув-семинарларни кўпроқ ташкил этиш вақти келди, деб ўйлайман. Уларни шунчаки ўқитиш эмас, балки ташкилотчилик ва ташаббускорлик, сиёсий етакчилик фазилатларини ривожлантириш лозим. Шунингдек, бошланғич ташкилотларда ўтказиладиган тадбирларда ҳаётий масалалар муҳокамасига кенг ўрин бериш, ижтимоий долзарб мавзуларда учрашув ва давра суҳбатларини ўтказиш керак.

Пленумда, шунингдек, партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолиятида муайян камчиликларга йўл қўйилгани ҳам очиқ тан олинди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ҳудудий ривожланиш дастурларига муқобил таклифлар киритиш, партия Сайловолди дастуридан келиб чиқадиган ижтимоий масалалар юзасидан назорат-таҳлил ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Бундан ташқари, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросида фаол иштирок этиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдириб ўтилди.

— Соғлом она ва бола йили ғоялари партиямиз Сайловолди дастуридаги вазифалар билан ҳамоҳанглиги зиммамизга катта масъулият юклайди, — дейди **халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Шуҳрат Исматов**. — Давлат дастури ижросини назорат қилиш билан биргаликда электорат вакиллари, партиядошларимиз фаоллигини кучайтириш фаолиятимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Биз бу борада маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликни кучайтиришимиз зарур. Шуни ҳам айтиш керакки, хотин-қизларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилалар фарзандларига берилаётган нафақаларнинг манзилли ажратилишини ўрганиш ва юзага келаётган камчиликларни бартараф этиш мақсадида мониторинг ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Билдирилган таклиф-мулоҳазалардан келиб чиқиб, пленум тегишли қарор қабул қилди.

**Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

■ ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

*Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши ташаббуси билан оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш масаласига бағишланган тадбир ташкил этилди. Унда туман партия кенгаши ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.*

## Тиббий маданият

### масаласига бағишланди

Тадбирда мамлакатимизда оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Депутатлар ва ҳамкор ташкилотлар билан бирга маҳаллаларда тарғибот ишларини олиб бориш, юзма-юз ва очиқ мулоқотлар ташкил этиш муҳим экани қайд этилди.

— Жорий йилда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтириш бўйича олдимизда муҳим вазифалар турибди, — деди **туман партия кенгаши раиси Ирода Абдуллаева.** — Партия ташкилотлари, депутатлар, биринчи навбатда, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни қарор топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиши зарур, деб ўйлайман. Оналар саломатлигини асраш, соғлом авлод вояга етиши учун яратилган шароитларни янада яхшилаш, бу борада қонунлар ижроси устидан самарали депутатлик назоратини ўрнатиш лозим. Бу ишлар электорат манфаатлари ҳимоясида муҳим ўрин тутади.

Тадбир якунида бир гуруҳ ёшларга партиянинг аъзолик гувоҳномалари топширилди.

**Носир ШЕРБОЕВ**

---

■ «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Ёшларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида «Ёшлар тақдири учун барчамиз масъулмиз» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди.

## «Ёшлар тақдири учун барчамиз масъулмиз»

— Вилоятдаги партиядошларимизнинг 13 минг нафардан ортиғини ёшлар ташкил қилади, — дейди **ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Сайфиддин Қурбонов.** — Ташаббускор ёшларни сафимизга қўшиб олиш учун жойларда «Истиқбол билан юксак марралар сари», «Бугунги талаба — эртанги мутахассис», «Кексалар — ёшлар эъзози ва эътиборида» ва бошқа мавзуларда давра суҳбатлари мунтазам ўтказилмоқда. «Коллеждан — корхонага» лойиҳаси ҳам самарали амалга ошириляпти. Вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида «Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхонаси» фаолият кўрсатаяпти. Ўтган йили 1 минг 500 нафарга яқин йигит-қиз сафимизга қўшилган бўлса, жорий йилнинг ўтган уч ойида яна 300 нафарга яқин ёш хайрихоҳларимиз партиямизга аъзо бўлишди.

Маълумки, партиямизнинг Ҳаракат дастурида ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш устувор вазифа этиб белгиланган. Бу борада талай ютуқлар қўлга киритилган бўлса-да, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларни бартараф қилиш учун тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги давра суҳбатида алоҳида таъкидланди.

Бундай тадбирларни барча туман ва шаҳарларда ўтказиш ҳақида келишиб олинди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧИ

## зиммамизга янада улкан масъулият юклайди

*Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши пленумида шаҳар ва туман партия ташкилотлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари раҳбарлари, йирик бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этишди.*

Кун тартибидаги масала юзасидан **ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Мўътабар Каримованинг** маърузаси тингланди:

— Партиямизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида олис қишлоқлар ва туманларда яшаётган аҳоли, айниқса, аёллар учун ижтимоий, маиший ва тиббий нуқтаи назардан зарур шарт-шароитлар яратиш, намунали лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, инфратузилма объектлари барпо этиш, қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминланиши, сервис хизматлари даражасини юксалтириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш назарда тутилган. Шундан келиб чиқиб, ўтган йилда электорат манфаатлари билан боғлиқ 13 масала партия гуруҳларида, 11 масала сессияларда муҳокама қилинди.

Афсуски, Янгиобод, Арнасой туманларидаги депутатларимиз, партия гуруҳларининг иши тўғрисида ижобий фикр билдириш қийин. Улар Ҳаракат дастурида белгиланган масалаларни ўрганиш, муҳокама қилиш билан чекланиб, мавжуд муаммоларга ечим топишга етарлича эътибор беришмади. Натижада партия электорати манфаатлари билан боғлиқ масалалар маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари, сессиялари муҳокамасига ўз вақтида киритилмади.

Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ташкил этилган уч босқичли машғулотларда 10 минг нафардан ортиқ партия электорати ҳамда жамоатчилик вакиллари қамраб олингани яхши, албатта. Аммо Арнасой, Дўстлик, Зарбдор, Зомин, Жиззах туманлари партия кенгашларининг сусткашлиги оқибатида машғулотлар ўтказиш, мавзуларни ўрганиш, тарғибот ва ташвиқот ишларида бир хиллик, ноанъанавий услублардан фойдаланишга интилмаслик сингари камчиликлар кўзга ташланиб қолаётир.

Депутатларимизнинг фаоллиги, уларнинг партия маҳаллий кенгашлари, бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорлигидан ҳам қониқиш қийин. Тўғри, ўтган йили маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз сайловчилар билан учрашувлар ўтказишди. Улардаги мурожаатлар, таклифлар асосида корхона, ташкилотлар раҳбарларига 446 депутатлик сўрови юборилди. Бироқ депутатларимизнинг барчасини ҳам бирдек фаол, деб айтолмаймиз. Туман, шаҳар Кенгашларидаги айрим депутатларимиз ўзлари аъзо бўлган доимий комиссиялар ишида фаол иштирок этишмаяпти, сайловчилар кўтарган масалаларнинг ечими бўйича амалий натижаларга эришиш учун ваколатлардан тўлиқ фойдаланишмаяпти. Бу ҳол Янгиобод, Зарбдор, Дўстлик, Арнасой туманида кўпроқ кўзга ташланаётир.

> **Ўтган йили электорат манфаатлари билан боғлиқ 13 масала партия гуруҳларида, 11 масала сессияларда муҳокама қилинди.**

Бу йил Ҳаракат дастурида кўзда тутилган 16 масалани партия гуруҳлари, доимий комиссияларда муҳокама қилиш, зарурат туғилганда, сессиялар кун тартибига киритиш белгиланган. Ўйлаймизки, бу борада 14 депутатлик бирлашмаси, шаҳар ва туман кенгашлари, барча бошланғич ташкилотларимиз фаоллик, қатъият, ташаббускорлик кўрсатишга қодир.

Муҳокамаларда **халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши депутати Акром Иномов, Бахмал туман кенгаши раиси Шарофиддин Каримов, партия фаоли Ҳусан Холбоев, Жиззах шаҳар Кенгаши депутати Ҳалима Негматова сўзга чиқишди.** Партия кенгашларининг ижтимоий ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш, депутатлар ва бошланғич ташкилотларнинг изчил ҳаракат қилишини таъминлаш муҳим масала экани алоҳида таъкидланди. Тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, уларда долзарб ижтимоий масалаларни қамраб олиш лозимлиги қайд этилди. Пленум қабул қилган қарорда ушбу масалаларда тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари»

*Ўзбекистон ХДП Қизириқ туман кенгаши ушбу лойиҳа доирасида Бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ўтказди.*

Ярмаркада 116 хўжалик юритувчи субъект 297 бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбир давомида иштирокчиларга меҳнат қонунчилиги тўғрисида маълумот берилди. Партиямизнинг Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, касаначилик иш ўринлари ташкил этиш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Меҳнат ярмаркасида бир гуруҳ фуқаролар ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

Шу куни 5 нафар йигит-қиз Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлди.

**Нилуфар ШАЙМАНОВА,
ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши сектор мудири.**

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ СЕКТОРИ ҲАМДА ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ ҲАМКОРЛИГИДА «ИНТЕРНЕТ ВА ЁШЛАР: МУВАФФАҚИЯТЛАР ВА МУАММОЛАР» МАВЗУСИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗИЛДИ.

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

Депутатлик сўрови институти ривожланиши парламент назоратини кучайтиришга, ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий тамойилини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.




## Ўзбекистон — Канада

### сиёсий маслаҳатлашувлари

*21 апрель куни Оттава шаҳрида Ўзбекистон — Канада сиёсий маслаҳатлашувларининг навбатдаги раунди бўлиб ўтди. Бу ҳақда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати хабар тарқатган.*

Канада Ташқи ишлар ва халқаро савдо вазирлиги делегациясига Европа ва Евроосиё ишлари бўйича бюро Бош директори Метю Левин раҳбарлик қилди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг барча жиҳатлари юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Суҳбат давомида турли соҳалардаги ҳамкорликни босқичма-босқич ривожланишидан Ўзбекистон ва Канада бирдек манфаатдор эканлиги қайд этилди. Шу нуқтаи назардан икки томонлама алоқаларни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий, инвестицион, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда халқаро ва минтақавий долзарб муаммолар муҳокама қилинди.

## Тошкент халқаро аэропортида

### Business Lounge зали ишга туширилди

*Тошкент халқаро аэропортида амалга оширилган таъмирлаш ишларидан сўнг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва бошқа авиакомпанияларнинг бизнес синфда учувчи йўловчилари учун янги Business Lounge «Uzbekistan airways» ишга туширилди.*

Бу ерда йўловчиларни рўйхатдан ўтказиш учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган техника қурилмалари ўрнатилган.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК матбуот хизматининг хабар беришича, кутиш зали 160 ўринга мўлжалланган бўлиб унда йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Шунингдек бу ерда она ва бола, ювиниш хоналари, тиббиёт пункти мавжуд. Бундан ташқари, текин Wi-Fi хизматидан ҳам фойдаланиш мумкин. Янги Business Lounge «Uzbekistan airways»да имконияти чекланган йўловчилар учун алоҳида шароитлар яратилган.

## «Ишга жойлашиш технологияси»

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида «Ишга жойлашиш технологияси» мавзусида тренинг ташкил этилди.*

Унда Ёш тренерлар мактаби аъзолари ва таълим муассасаларининг битирувчилари, энди иш бошлаган ёшлар иштирок этди.

Тингловчиларга ишга жойлашишда зарур бўладиган ҳужжатлар, улар учун белгиланган имтиёз ва кафолатлар ҳақида маълумотлар, «Меҳнатни муҳофаза қилиш асослари», «Жамоа шартномасида ёшлар учун кафолатлар» йўналишларида тушунтириш берилди.

# ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ИНСТИТУТИ

## парламент назоратини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади

Шу жиҳатдан парламентнинг давлат ҳокимияти бошқарувини демократлаштириш жараёнидаги ролини оширишга қаратилганислоҳотлар, бу борада қонунчиликка киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур йўналишдаги ислоҳотлар Конституциямизга, халқаро ҳуқуқ нормаларига, қолаверса, тараққий этган хорижий мамлакатларнинг қонунчилик амалиётига тўлиқ мос келади, деб ҳисоблаш учун етарли асосларимиз бор.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, парламент назоратининг кўплаб турлари, хусусан, депутатлик сўрови институти бу жараёнда ўзига хос ўринга эга. Таъкидлаш керакки, парламент назоратини амалга ошириш бўйича катта тажрибага эга хорижий мамлакатлар амалиётини ўрганиш, таҳлил қилишнинг аҳамияти беқиёс. Бу мамлакатимизда парламент ва депутат сўрови институтларининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Миллий қонунчилигимизда депутатлик сўрови институтининг асослари бир неча қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги ҳамда яқинда қабул қилинган «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунларда депутатлик сўровининг тартиби, амалга ошириш механизмлари кўрсатилган.

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

***— Депутатлик сўрови қандай тартибда юборилади? Бу борадаги дунё тажрибаси ҳақида тўхталсангиз.***

— Депутат сўрови — бу парламент аъзоси, депутатлар гуруҳи, парламент қўмиталарининг ҳукуматга, вазирларга ва бошқа юқори мансабдор шахсларга тутган сиёсий йўли ёки бирон-бир аниқ масала бўйича мурожаати ҳисобланади. Хориж амалиётида парламент назоратининг айнан парламент ва депутат сўрови шакли кенг қўлланилади.

Бугунги кунда бутун дунё парламентлари тажрибасида депутатлик сўровининг икки хили, яъни интерпелляция ва савол кўриниши шаклланган.

Хорижий мамлакатлар амалиётига кўра, интерпелляция — бу давлат миқёсидаги жуда муҳим ва муаммоли масалалар юзасидан депутатлик сўрови бўлиб, «катта аҳамиятли расмий талаб, сўров» маъносини англатади.

Бунда жараён сўровга белгиланган муддатда жавоб олиниши ёки олинмаслигидан қатъий назар, парламент палатасида муҳокама этилиши, баъзи ҳолларда эса танбеҳ бериш тўғрисида қарор қабул қилиниши билан якунланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, қатор хорижий мамлакатлар парламент қонунчилигида депутатга тўғридан-тўғри давлат органлари ва бошқа органлари, мансабдор шахсларга расмий талаб, сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилмаган.

Мамлакатимиз қонунчилигида эса парламент назорати, депутатлик сўрови институтининг ҳуқуқий асослари, уларни амалга ошириш механизмлари тобора такомиллашиб бормоқда.

***— Тараққий этган демократик давлатлар қонунчилигида депутатлик сўрови билан боғлиқ қандай нормалар мавжуд?***

— Аксарият хорижий мамлакатларда парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган ва бу ҳолат уларнинг конституцияларида ўз аксини топган.

**Депутат сўрови — бу парламент аъзоси, депутатлар гуруҳи, парламент қўмиталарининг ҳукуматга, вазирларга ва бошқа юқори мансабдор шахсларга тутган сиёсий йўли ёки бирон-бир аниқ масала бўйича мурожаати ҳисобланади.**

Масалан, Хитой Халқ Республикаси Конституциясига асосан Умумхитой халқ вакиллари мажлиси депутатлари ва доимий қўмита таркибидаги шахсларга сессиялар ва мажлислар даврида давлат кенгашига ёки вазирликларга сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Шунингдек, Умумхитой халқ вакиллари мажлиси ва доимий қўмита муайян масалалар бўйича суриштирув ўтказиш мақсадида комиссиялар тузишга ҳақли экани белгиланган.

Италия республикаси Конституциясига кўра, ҳукумат аъзолари палаталар мажлисларида иштирок этишга ҳақли бўлиб, сўров бўлган тақдирда мажлисларда қатнашишга мажбурдирлар.

Японияда парламент назоратининг асосий шакли интерпелляция бўлиб, уни вакиллар палатасининг хоҳлаган депутати палата раиси орқали бериши мумкин. Депутат сўров юбориш бўйича палата раисининг рад жавобидан норози бўлса, палатанинг ялпи мажлисида қарор устидан арз қилишга ҳақли. Интерпелляцияга жавоб олти кунлик муддатда оғзаки ёки ёзма шаклда берилиши шарт.

Германия давлатининг асосий қонунида ҳам мазкур институтга доир нормалар мавжуд. Хусусан, ушбу давлат Конституциясига мувофиқ Бундестаг — парламент ва унинг қўмиталари федерал ҳукумат аъзоларидан ўз мажлисида қатнашишни талаб қилишга ҳақли. Шунингдек, Бундестаг регламентига асосан фракциялардан бири ёки мажлисда қатнашаётган депутатларнинг беш фоизи талабига биноан Бундестаг федерал ҳукумат аъзосини чақиртириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

***— Албатта, мамлакатимизда парламент ислоҳотлари, бу борадаги қонунчилик тобора такомиллашиб боряпти ва мазкур жараён изчил давом этади. Шундан келиб чиқиб, парламент назорати, хусусан, унинг асосий шаклларидан бири бўлган депутатлик сўрови институти самарадорлигини ошириш учун қонунчилигимиздаги қайси масалаларга эътибор қаратиш керак, деб ўйлайсиз?***

— Бу ҳақда гапиришдан олдин Президентимиз илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ғоялари асосида парламент фаолияти билан боғлиқ қонунчиликда юқори натижаларга эришилганини таъкидлаш зарур.

Энди бевосита саволингизга келадиган бўлсак, депутатлик сўрови институти самарадорлигини ошириш учун, фикримча, қонунчилигимиздаги «парламент сўровига ёзма жавоб Қонунчилик палатаси, Сенатнинг мажлисида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ёзма жавобнинг нусхалари палата мажлисида ўқиб эшиттирилгунига қадар олдиндан депутатларга, сенаторларга юборилади» мазмунидаги меъёрни янада ривожлантириш лозим. Чунки мазкур ҳолатда ёзма жавоб юзасидан бирор савол вужудга келганда қандай йўл тутилиши аниқ кўрсатилмаган.

Қонунчиликка кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Қонунчилик палатаси депутати, Сенатор сўровига, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ёзма жавоб юбориши лозим. Бу ўринда бир савол туғилади. Яъни, агар сўровга жавоб вақтида юборилмаса, бунинг ҳуқуқий натижаси қандай бўлади? Ушбу масалага ҳам аниқлик киритиш муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Хулоса қилиб айтганда, депутатлик сўрови институти ривожланиши парламент назоратини кучайтиришга, ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий тамойилини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Нурали ОРИПОВ суҳбатлашди.**




## ХАВФЛИ ЧИВИНЛАРГА ҚАРШИ

### курашишнинг янги усули

*Бразилия Posterscope ва NBS реклама агентликлари Зика вируси тарқалишига қарши курашда ёрдам берадиган янги қурилмани ишга туширди. Бу ҳақда The Verge сайти хабар берди.*



Рио-де-Жанейро кўчаларида одамга хос нафас ва тер ҳидини таратувчи реклама лавҳалари ўрнатилди. Чивинлар уларга ўзини уриб, қопқонга тушади.

Ғоя муаллифларининг фикрича, мазкур воситалар 2,5 километр радиусдаги ҳашаротларни ўзига жалб қила олади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти чивинлар қопқони вирусга қарши курашда қўл келиши мумкинлигини тан олди, бироқ уларнинг самарадорлик даражасини белгилаш учун яна тадқиқотлар ўтказиш зарур деб ҳисоблайди.

2015 йилнинг апрелидан буён Бразилияда 1,5 миллиондан ортиқ киши Зика вирусини юқтиргани қайд этилган, яна 2 миллиондан ортиқ кишига ушбу вирусни юқтириш хавфи таҳдид солмоқда.

## ЭНГ БАЛАНД ТОМОША ЧАМБАРАГИ

### июль ойида фойдаланишга топширилади



1 июль куни Осака префектурасининг Суйта шаҳрида Япониядаги энг баланд томоша чамбараги илк мижозларни қабул қилади. «Киодо» нашрининг ёзишича, аттракционнинг баландлиги 123 метр бўлиб, 18 дақиқада бир марта тўлиқ айланиб чиқади.

Чамбаракка шаффоф полли 72 кабина ўрнатилган. Улардан иккитаси меҳмонлар учун мўлжалланган.

РЕКЛАМА

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2016 йил 26 май куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади.**

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уйда жойлашган «HUQUQ VA BURCH» ижтимоий-ҳуқуқий журнали балансидаги 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/303JBA, бошланғич нархи 18 953 400 сўм бўлган «Нексия»; 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/203LAA, бошланғич нархи 21 819 200 сўм бўлган «Нексия S-150» русумли авто транспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан **2 (икки) кун** аввал соат **18:00 да** тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида **20 фоизи** миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари навбатдаги ҳафталарнинг ҳар **пайшанба** кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситалари ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари **соат 15:00 да** бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; факс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «Ўзбекистон овози» газетасининг 2015 йил 24 март, 34-сонида чоп этилган эълондаги «MAXAM CHIRCHIQ» АЖ балансидаги д/р 10/151SAA бўлган «МЕРСЕДЕС-БЕНЦ-S350D» русумли автотранспорт воситаси ушбу ташкилотнинг 2016 йил 19 апрелдаги 38-4/179-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

**Гувоҳнома № 005357**

## Экспорт кўлами кенгаймоқда

***Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Наманган вилоят филиали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини ташқи бозорга олиб чиқишда яқиндан кўмаклашмоқда. Чунончи, жорий йилнинг март ойида 9 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига хориждан ҳамкор топиш ва шартномалар тузишда ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатилди. Натижада 3,74 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотларни хорижий давлатларга юборишга эришилди.***

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатиш билан биргаликда халқаро кўргазма ва ярмаркаларда, тендер савдоларида иштирокларини ташкил этиш юзасидан маълумотлар берилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар инвестиция ва савдо бошқармаси билан биргаликда туманлардаги экспортбоп маҳсулотлар жойига чиқиб ўрганилди. Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари раҳбарларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва экспортини кўпайтириш бўйича ташкил этилган агрофирмалар билан ҳамкорликда ишлаш афзалликлари ва соҳадаги янгиликлар, шунингдек, банк томонидан кредитлаш масалалари бўйича тушунтиришлар берилди ҳамда бўлажак харидорлар рўйхати шакллантирилди.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Озиқ-овқат кўргазмаси ва «Агрофуд форум»да вилоят тадбиркорлик субъектлари, агрофирмалар ва фермер хўжаликларининг, «Нафис Чарм» МЧЖнинг Туркиядаги чарм маҳсулотлари бўйича «Aymod» халқаро кўргазмасидаги иштирокига ёрдамлашилди.

Президентимизнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори юзасидан мутасадди ташкилотлар билан биргаликда давра суҳбати ўтказилди. Тадбир иштирокчиларига мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти етказилди, жамғарма кўрсатадиган янги хизматлар бўйича тегишли маълумотлар берилди.

Бундан ташқари, жамғарма филиали ва Миллийбанкнинг вилоят бўлими томонидан мева-сабзавотчилик фаолиятига оид буклетлар тайёрланиб, ихтисослашган фермер хўжаликларига тарқатилди.

**Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИ 7,5 ФОИЗГА ЎСДИ. САНОАТ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 7 ФОИЗГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ҲАЖМИ — 6,7 ФОИЗГА, ЧАКАНА ТОВАР АЙЛАНМАСИ ҲАЖМИ 12,8 ФОИЗГА КЎПАЙДИ.



РАНГ-БАРАНГ ЯНГИЛИКЛАР

## Онлайн муҳитда болалар ҳимояси

***Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази томонидан ўзбек ва рус тилларида «Онлайн муҳитда ёшларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланма» ишлаб чиқилди.***

Мазкур лойиҳа Маънавият тарғибот маркази ва «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши билан келишилган ҳолда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг 2016 йил 7 апрелдаги қўшма қарори асосида амалга оширилмоқда.

Мазкур қўлланма вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналарига мўлжалланган бўлиб, унда болаларни интернет тармоғидаги хавф-хатарлардан асраш ва уларнинг ахборот хавфсизлиги меъёрларига риоя қилишларига оид тавсияларга кенг ўрин берилган. Ушбу қўлланмада вояга етмаганлар 3 тоифага (7 ёшдан 10 ёшгача, 10 ёшдан 13 ёшгача, 13 ёшдан 16 ёшгача) бўлиниб, уларга ва ота-оналарига алоҳида тавсиялар берилган.

## Ёш скрипкачилар саҳнада

***Глиэр номидаги Республика ихтисослашган мусиқий академик лицейи скрипкачилари Ўзбекистон давлат санъат музейида концерт берди.***

Унда ўқитувчи Гулнор Сулаймонова раҳбарлигидаги ўқувчилар жаҳоннинг машҳур композиторлари хотирасига бағишланган мусиқали дастурни намойиш этишди.

Ушбу дастурда Пабло Сарасате ва Владимир Цибин тарантеллалари, Сулаймон Юдаков асарлари, жаҳон пианистлари ва скрипкачилари ижро этган асарлар, рус ва жаҳон классик мактабининг вакили Чайковский, Глиэр ҳамда Паганинининг романс ва концертлари ёш истеъдодлар томонидан ижро этилди.

Шунингдек, ўқувчилар франциялик композитор Жюль Муке асарларидан намуналар ижро этишди.

## Футзалчилар

### Японияга йўл олди

***20 апрель куни Хосе Мария Мендез мураббийлигидаги терма жамоа халқаро ўртоқлик турнирида иштирок этиш учун Японияга жўнаб кетди. Бу ҳақда Ўзбекистон футбол федерацияси расмий сайти хабар берган.***

Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Колумбияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатига тайёргарликнинг дастлабки босқичини бошлади.

22-24 апрель кунлари Японияда халқаро ўртоқлик турнири бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон ҳамда Вьетнам миллий терма жамоалари ҳам иштирок этишади.

# ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ!

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликка асосланган муносабатлар қарор топган.







## ТИНЧЛИК, ТОТУВЛИК БАЙРАМИ

**Андижонда Республика Байналмилал маданият маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, вилоят миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш ҳамда бир қатор алоқадор идоралар ҳамкорлигида «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» шиори остида анъанавий дўстлик фестивали ўтказилди.**

Дастлаб Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилоят театрида «Соғлом авлод тарбиясида миллатлараро тотувликнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Миллатлараро аҳиллик акс этган тасвирий санъат асарлари, либослар, ҳунармандчилик маҳсулотлари, миллий таомлар кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов, Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов ва бошқалар юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, тинчлик ва барқарорлик, динлараро бағрикенглик, миллатлараро аҳил-иноқлик, ҳамжиҳатлик ҳақида фикр юритишди.

Андижон вилояти ҳокими ўринбосари Шаҳзод Турсунов мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликка асосланган муносабатлар қарор топганини қайд этди. Бугунги кунда вилоятда юздан ортиқ миллат вакили истиқомат қилади, бешта миллий маданий марказ самарали фаолият кўрсатмоқда. Турли миллатлар ва элатларнинг миллий қадриятларини эъзозлаш, урф-одат, анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган.

Байрам шукуҳи Хўжаобод туманининг «Ордай» маҳалласига кўчди.

— Турмуш ўртоғим Абад Мадияров шартнома асосида чегара қўшинларида хизмат қиляпти, — дейди **қорақалпоқ фарзанди Гулистон Иракеева**. — Ўзим 6-мактабда болаларга сабоқ бераман. Уйғур, қирғиз тилларини ўрганаяпман.

— Мана шундай тадбирларда Юртбошимизнинг кўп миллатли халқимиз — Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, деган фикрлари қанчалик ҳақиқат эканлиги яна бир бор намоён бўлади, — дейди **Андижон шаҳридаги 21-мактаб ўқитувчиси Белла Обдирик**. — Яҳудий миллатига мансубман, ўзбекларнинг барча урф-одатларини биламан, ҳурмат қиламан. Маҳалладошларимизнинг тўй-маросимида доим биргамиз.

— Мен ўзбек маҳалласида туғилиб улғайдим, — дейди **Андижон давлат университети талабаси Игор Петров**. — Ўзбекистон — бизнинг жонажон Ватанимиз. Тинчлик барқарор бўлган мамлакат фуқароси эканимдан фахрланаман.

Андижон давлат университети ҳамда қишлоқ хўжалиги институтида давом этган фестиваль миллатлараро тотувлик ва дўстлик байрами тусини олди. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этган тадбирларда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик таъминланаётгани, инсон қадр-қиммати улуғланаётгани алоҳида таъкидланди.

— Мен байналмилал оила вакилиман, — дейди **мазкур университет талабаси Лола Қўчқорова**. — Отам — ўзбек, онам — украин. Ҳар икки миллатнинг анъана ва удумларини ўрганиб улғайдим. Фестивалда славян халқи рақсини ижро этдим.

Фестиваль тантаналари 13 дан зиёд миллат вакиллари яшаётган Пахтаобод туманидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежида давом этди. Таниқли «Отуш» уйғур ашула ва рақс ансамбли ўзининг ўйноқи куй-қўшиқлари билан барчани хурсанд қилди.

Туман маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган кўргазмали чиқишлар миллий маданий марказлар бадиий дасталарининг дастурларига уланди. Тадбир доирасида Андижон шаҳридаги Аҳмадбек ҳожи кўчасидаги муҳташам бинода «Дўстлик уйи»нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бобур номидаги хиёбоннинг бир тарафида оркестр садолари янграса, иккинчи томонида сурнай наволари дилларга сурур бағишлайди. Фаввора атрофида балалейка чалаётган Сергей Хворовга арман йигити Ашот Геворкян флейтаси билан жўр бўлди. Корейс, татар, уйғур, тожик қизлари ўз рақсларида дўстлик гулдастасини ифода этишди. Андижон шаҳридаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи озиқ-овқат технологияси йўналиши битирувчилари — Аҳмадали Усмонов, Мирсаид Қурбонов тайёрлаган таомлар, Андижон давлат университети қошидаги 4-академик лицей ўқувчилари — Ирина Скрябина, Альбина Гельманова пиширган нон маҳсулотлари дастурхонга файз киритди.

Қардошликни, тинчликни улуғлаб келаётган турли миллат вакилларига, миллий маданий марказларга вилоят ҳокимлигининг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Гулжаҳон ЖАББОРОВА,**
**журналист.**

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

*«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви томонидан **«Оилаларни мустаҳкамлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, соғлом она ва бола ғоясини амалга оширишда маҳалланинг ўрни»** мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.*

## «МАҲАЛЛА» — ОИЛАЛАР ТАЯНЧИ

Унда жорий йилнинг биринчи чорагида фонд тузилмалари томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда олиб борилган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Таъкидланишича, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, ёш оилалар ажралиб кетишининг олдини олиш, никоҳланувчиларни тиббий-кўрикдан ўтказиш масалалари бўйича мамлакатимиз бўйлаб кўплаб тарғибот тадбирлари ташкил этилган.

«Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини ўрганиш, ўқувчиларнинг дарс жараёнига жалб этилиши борасида ота-оналар ўртасида мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

— Жорий йилда маҳаллалар томонидан 65 мингдан ортиқ фуқаронинг иш билан таъминланишига кўмаклашилди, — дейди **жамоат фонди матбуот котиби Арофат Умарова.** — Шунингдек, ҳар бир ҳудудда аҳолининг кам таъминланган қатламлари вакиллари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотган оилаларга ёрдам кўрсатиляпти. Республиканинг чекка қишлоқ туманларида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга бепул кийим-кечаклар берилди. Маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳамда ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг 12-13 март кунлари ўтказилган хайрия ҳашарида эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойи таъмирланди, ногирон ва ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олинди.

Анжуманда ёшлар тарбияси, эрта никоҳ ҳамда оилавий низоларнинг олдини олиш, оилаларни қўллаб-қувватлашда жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган ишлар батафсил таҳлил қилинди.

Тадбир якунида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Озода БЕКМУРОДОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

### ОБ-ҲАВО 23-24.04 — 2016

**Юртимиз бўйлаб (°С)**

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +10 / +15 | +20 / +25 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +8 / +13 | +22 / +27 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари | +8 / +13 | +22 / +27 |
| Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари | +10 / +15 | +22 / +27 |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари | +8 / +13 | +22 / +27 |
| Тошкент шаҳри | +8 / +10 | +23 / +25 |

**Дунё бўйлаб (°С)**

| | |
|---|---|
| Лондон | +11/ +11 |
| Париж | +12/ +11 |
| Москва | +13/ +16 |
| Мадрид | +18/ +18 |
| Пекин | +23/ +28 |
| Канберра | +22/ +23 |
| Рим | +18/ +15 |
| Афина | +26/ +25 |
| Токио | +21/ +20 |
| Стокгольм | +9/ +8 |
| Кейптаун | +20/ +22 |
| Қоҳира | +36/ +38 |
| Гавана | +30/ +32 |

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Qishloq Qurilish Bank

# «BANKEXPO-2016»:

## ғолиблар муносиб тақдирланди




***Пойтахтимизда бўлиб ўтган «BANKEXPO-2016» Банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари миллий кўргазмаси доирасида АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга, шунингдек, таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳалар бўйича танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.***

Танловга интенсив боғ яратиш, балиқчилик, чорвачилик, тикувчилик ва матолар, полиэтилен, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сервис хизматларини кўрсатиш, соғломлаштириш маркази ҳамда гўзаллик салонлари каби хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган 180 дан ортиқ лойиҳа тақдим этилди. Уларнинг орасидан 5 номинация бўйича совриндорлар аниқланди.

Хусусан, «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа» номинацияси бўйича биринчи ўринга банкнинг Чимбой филиали мижози Дамир Абдуллаев, иккинчи ўринга Марғилон филиали мижози Азизбек Нишанов, учинчи ўринга эса «Гала-осиё» филиали мижози «Жасурбек Фирдавс» хусусий корхонаси раҳбари Одил Каримов лойиқ, деб топилди.

«Энг яхши тадбиркор аёл» номинациясида эса бош совринга банкнинг Қува филиали мижози «Leading Flower» хусусий корхонаси раҳбари Набияхон Мамажонова сазовор бўлди. Иккинчи ўринга Яккабоғ филиали мижози Шоира Ҳайдарова, учинчи ўринга Навоий минтақавий филиали мижози Гулнора Бозорова муносиб кўрилди.

«Касб-ҳунар коллежи битирувчисининг энг яхши лойиҳаси» номинациясида бош соврин банкнинг Тошкент вилояти минтақавий филиали мижози «Stimul print» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Асрор Хатамовга топширилди. Банкнинг Оҳангарон филиали мижози Марварид Мўминова ушбу йўналишда иккинчи ўринни, Наманган минтақавий филиали мижози Дилноза Сўфиева учинчи ўринни эгаллади.

«Узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда амалга оширилган энг яхши лойиҳа» номинациясида бош соврин банкнинг Андижон минтақавий филиали мижози «Давр юксалиш сари» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Илҳом Ҳакимовга топширилди. Иккинчи ўринга банкнинг Каттақўрғон филиали мижози Дилрабо Мамадалиева, учинчи ўринга Янгиобод филиали мижози «Асилбек Шукурбек» фермер хўжалиги раҳбари Асилбек Эгамназаров лойиқ кўрилди.

«Она ва бола саломатлигига ҳисса қўшган энг яхши лойиҳа» номинациясида бош соврин банкнинг Хоразм минтақавий филиали мижози «Улуғбек Ирода» хусусий корхонаси раҳбари Ойбек Дунаевга топширилди.

Ушбу номинация бўйича иккинчи ўринга банкнинг Шўрчи филиали мижози «Dalvarzin Med Systems» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Раҳматулло Элмуродов, учинчи ўринга Янгиер филиали мижози «Самандар Стом» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Эркинжон Пўлатов лойиқ, деб топилди.

Совриндорлар 1-ўрин учун «LED 32» телевизорлари, 2-ўрин учун замонавий ноутбук ва 3-ўрин учун уч функцияли принтерлар ҳамда имтиёзли кредит сертификатлари билан тақдирланди.

**Банк ахборот хизмати.**
***Хизматлар лицензияланган.***

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari: Farrux HAMROYEV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug‘bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Tat’yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 459
15101 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 20:45
Topshirilgan vaqti — 23.00
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5